Уз2
Н
Ч-98

ЧЎЛПОН

# АСАРЛАР

I
ЖИЛД

# БУЛОҚЛА *

*Жаҳон фотиҳлари чангалида эзилиб ётган Шарқ ўлкаларига бағишланади.*

## ШАРҚ УЧУН

### БУЗИЛГАН ЎЛКАГА

*Достон*

Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нима учун бошингда қуюқ булут кўланка?

Учмоҳ*ларнинг кавсари энг покиза;
Садафларнинг донасидек топ-тоза
Салқин сувлар тоғдан қуйи тушаркан,
Томчилари ёмғир каби учаркан,
Нима учун йиғлар каби инглайлар?
Ёв... борми? деб тўрт тарафни тинглайлар?
Табиатнинг ўтини йўқ ўтида,
Шарақ-шарақ қайнаб чиққан булоқлар
Ҳар қоронғу, қўрқунч туннинг бетида
Шифо истаб келмасин дер қўноқлар!
— Бу нега?
— Айт менга!
Қўм-кўк, гўзал ўтлоқларинг босилган,
Устларида на пода бор, на йилқи.
Подачилар қайси дорга осилган?
От кишнаши, қўй маъраши ўрнига
— Оҳ, йиғи,
Бу нега?
Туморчалар, ҳамойиллар* тақинган,
Далаларда лола барги ёпинган,
Тоғ-тошларда ўйин қилган,
Чопинган
Гўзал қизлар, ёш келинлар қаерда?
Жавоб йўқми кўклардан-да, ердан-да?
Хароб бўлган элдан-да!
От минганда қушлар каби учгувчи,
Эркин-эркин ҳаволарни қучгувчи,

От чопганда учар қушни тутгувчи,
Учар қушдек ёш йигитлар қаерда?
Тоғ эгаси—сор бургутлар қаерда?

* * *

Сенинг қаттиқ сирт бағрингни кўп йиллардир эзганлар,
Сен безсанг-да, қарғасанг-да кўкрагингда кезганлар.
Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар
Эгасини бир қул каби қизғонмасдан янчалар.
Нега сенинг қалин товшинг «кет!» демайди уларга?
Нега сенинг эркли кўнглинг эрк бермайди қулларга?х
Нега тағин танларингда қамчиларнинг кулиши?
Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?
Нега ёлғиз қон бўлмишдир улушинг?
Нега бунча умидсиздир турушинг?
Нима учун кўзларингда туташгувчи олов йўқ?
Нима учун тунларингда бўриларнинг қорни тўқ?
Нима учун ғазабингни уйғотмайди оғу-ўқ?
Нима учун борлиғингда бу даража бузғунлиқ?
Нима учун ўч булути селларини ёғдирмас?
Нима учун куч тангриси бор кучи-ла солдирмас?

* * *

Кел, мен сенга қисқагина достон ўқий,
Қулоғингга ўтганлардан эртак тўқий.
Кел, кўзингнинг ёшларини сўриб олай,
Кел, ярали танларингни кўриб олай, тўйиб
олай...

Нима учун ағдарилган, йиқилган,
Оғир тожнинг заҳар ўқи кўксингда?
Нима учун ёвларингни бир замон
Йўқ қилғудек темирли ўч йўқ сенда?

* * *

Эй, ҳар турли қулликларни сиғдирмаган
ҳур ўлка,
Нега сенинг бўғзингни бўғиб ётар кўланка?..

*1920 йил.*

## АМАЛНИНГ ЎЛИМИ

Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар?
Шарқнинг оналари, жувонларими?
Қаршимда йиғлаган бу жонлар кимлар?
Қуллар ўлкасининг инсонларими?

На учун уларнинг товушларида
Ўтган асрларнинг оҳанги йиғлар?
На учун ёзмишнинг ўйнашларида
Ҳар юриш кўнглимни наштардек тиғлар?

Кенглик хаёллари учдими кўкка?
Бутун умидларни ёвлармп кўмди?
Мангу тутқунликка кирдими ўлка?
Хаёлда порлаган шамлармп сўнди?

Кечанинг жон олғич қоронғулиги,
Нажот юлдузини хаёлми билди?
Шунча тутқунларнинг ҳаққи, ҳақлиги
Бир ҳовуч тупроққа қурбонми бўлди?

Оҳимнинг ўтидан чиққан шуълалар,
Шарқнинг кўкрагида бир жой топмасми?
Кўксимдан қисилиб чиққан наъралар,
Ухлаган дилларга силжиб оқмасми?

Ҳар кеча кўкларда ўйнаган юлдуз,
Айтар эди менга: «Эрклик юлдузи
Тутқун эллар учун само қундузи,
Кўнгилда қолғувси унинг бир изи».

У бир из, кўзимнинг нурларидан ҳам
Юксакдир, мен уни ўпмак истайман.
Агар топилмаса бу юртлардан ҳам
Кўчиб йироқларга кетмак истайман.

Йиғлаган, инглаган амал қизими?
Кўкдаги юлдузлар унинг изими?

*1921 йил.*

# ЁНҒИН

*«Таланмаган, йиқилмаган ер йўқ,*
*Гўдаклар найза бошида...»*

*(Хабар)*

Нега меним қулоғимда тун ва кун
Бойқушларнинг шумли товши бақирар?
Нега меним борлиғимга ҳар уйун
Ва ҳар кулги оғу сепар, ўт қуяр?

Кўнглим каби йиқиқ улар, қишлоқлар,
Бойқушларга бузуқ кўксин очганми?
Ота-она, таниш-билиш, ўртоқлар
Юртни ташлаб, тоғу тошга қочганми?

Шундай катта бир ўлкада ёнмаган,
Йиқилмаган, таланмаган уй йўқми?
Бир кўз йўқми қонли ёши томмаган,
Бутун кўнгил умидсизми, синиқми?

Подаларнинг яйловида бўрилар,
Қонга тўйгач, увлайлармн кўплашиб?
Йиқиқлардан ўликларни тўплашиб,
Ўтми қуяр алвастилар, парилар?

Табиатнинг бутун ёмон томони
Шу ўлкага фақат жилва қилдими?
Мўминларнинг оқ виждони, имони,
Шам сўнгандай тинсизгина сўндими?

Қиличларнинг тилларида қизил қон
Булоқларнинг суви янглиғ тошдими?
Яланг бола, яланг гўдак, маъсум жон
Найзаларнинг бошларидан ошдими?

Кенг яйловга ўтми кетди, ёндими?
«Маданият»[1] истагига қондими?

*1921 йил.*

[1] «Маданият»— фотиҳ Оврупо.

## ТЎФОН

*(Анатўли* қишлоқисининг музаффар ўрду*ларига).*

Эй Инэну*, эй Сиқарё*, эй истиқлол эрлари,
Миллий мисоқ* олингунча тўқтамасдан илгари!

Биламизким, жаннат каби тупроғингиз ёвларнинг
Гўдакларни ёстагувчи оёқлари остида.
Биламизким, довушингиз ҳақсиз чиққан довларнинг
Инсофсизча шовқинларнинг, хурушларнинг пастида.

Биламизким, «маданият» бешигида ўтирган,
Жаллодларнинг бутун таъма ва ҳирслари сизларда.
Биламизким, «озодлик» деб шовқин қилган,
бақирган,
Бўриларнинг оч кўзлари олтин тўла ерларда.

Биламизким, унлар сизни яшамоққа қўймайлар,
Биламизким, қонингизни томчи-томчи ичалар.
Биламизким, унлар сира юввош халқни севмайлар,
Биламизким, тупроқ учун инсонликдан кечалар.

Биламизким, сиз йўқсуллар сўнг чоғда,
Шундай ёмон душманларнинг қўлида.
Мангу асир, мангу тутқун бўлишни
Истамасдан қўлга қурол олдингиз.

Биламизким, қатор-қатор қишлоқлар,
Сийнасига қон тўлдирган тупроқлар,
Ўт ичида; шунинг учун ўлишни
Ортиқ кўриб, жонни ўтқа солдингиз,
Жонни қонга, утқа, ўққа солдингиз,
Фақат бугун тотли бир ўч олдингиз.
Яна бир кур тарихларда қолдингиз.

Эй истиқлол, эй Сиқарё, эй Инэну эрлари,
Юр, мазлумлар тўфонининг ўч олгувчи селлари!

*Тошкент, 1922 йил.*

## ГЕЛИЮРСИН

*(Шарқ қурултойи вакилларига)*

*Йўлдош Файзулла Сожида армуғоним.*

Гелиюрсин тоғ-тепалар ошарак,
Гелиюрсин сув-денгизлар кечарак.
Гелиюрсин амалга қўшарак,
Гелиюрсин ўз йўлингга сочарак.

Чўхдан бери сўнмаз ўлан гунашинг
Тепаларнинг энг бошинда гўринди.
Чўхдан бери юз дўндирмиш маҳвашинг
Амалингнинг нурларига бурунди.

Ҳар саҳфаси олчолманги ёзароқ
Санинг учун қон оғлаён тарихинг.
У йўллари хаёли-ла бузароқ
Ёзмададир: порлайишин ёрининг.

Шарқ гўзали дея Гарби ёндиран,
Қора сочли, қора кўзли у санинг
Гўзал қизинг, ўлимлари олдиран
Чеҳраси-ла олга бурди. Бан унин
Гўз ёшлари орасинда ботур.
Бўғилиюр, ўлиюрдим... Гелмиюр,
Гелмиюрди имдодима ҳеч киши,
Кесилмишди сўнгги жаҳон нафаси.
Тоғ-тепалар ошиб, ават сан галдинг,

Бан-да ичимда олиюран генг нафас.
Сан-да зотан руҳан асир доғилдинг,
Ёлғиз санинг вужудингни қисарди
Олчоқ Гарбинг гедирдиги дор — қафас.
Вужудинга пан дорди...

Гелиюрсин тоғ — тепалар ошарак,
Гелиюрсин чўл — саҳралар кечарак.
Банлиюрам бан-да ҳаёт ичарак,
Бу элларинга гул, лолалар сочарак
Қучоғими очарак!..
Ҳароратли саломими қабул эт,
Ҳурматими бутун Шарққа тақдим эт!

# СЕЗГИЛАР

## ЯШАЙИШ

Оғир-оғир ва фақат қайғидан йироқ уйку
Нечун узоқларга қочдинг-ки, кўп ёмондир

Кўзим очилди, бироқ кўрмадим гўзалликни,
Кўнглимда ёш ила кўрдим бутун тубанликни
Йўқ эмас эди гўзаллик билан чиройлилик,
Фақат улар тубида жилваланди ҳайвонлик.
Кулиб қарар эди дунёси гоҳ-гоҳлари,
Фақат кулишлар ичинда фиғон ва оҳлари.

Нечун очилди кўзим, қайга кетди уйқуларим?
Бу уйғонишда тўлиб-тошди, ошди қайғуларим...

## ЁТОҚДАН

Оғриқ олди, қайғи олди, зор олди,
Сўник кўзли, бағри эзик ёр қолди.

Қайда қолди мулла Бозор — девона,
Қулоғимга ўқир эди афсона,
Эзги жойга оқ от билан кирганини,
Дил каъбасин* ўқлар билан бузганини...

Йиқиқлардан, қабрлардан товушлар,
Ўликларнинг саломини ўқийлар.
Борлиғимни қўрқинч ўтлар ҳовучлар
Хонақоҳлар* фано* турин тўқийлар.

Сирли сирдан қилдай бўлсин хабар йўқ,
Йўқса йўлда ўтганлардек сўндими?
Оқ деб, пок деб юрганларда дил бузуқ,
Йўқса фано майсалари ундими?

Алам олди, фироқ олди, қон олди,
Амал қолди... Кўзи ёшли жон қолди.

*Бухоро (Ҳарбий хастахона),*
*21.1. 1922 йил.*

# ЭРКИНЛИК ИСТАГИ

Эркин кўнглим чидай олмас бу сиқиқ,
Бу боғланган, бу «эгалик» турмушда.
Агар шундай кетаберса, бу аниқ,
Тилак учун қила олмас бир иш-да.

Шунча чоқлар чидаб келган кўнглимга
Бу кунгина ўз чизиғи тор келди.
Гўё унинг қўл тегмаган бўйнига
Ип боғланиб, жуда қаттиқ тортилди.

Ул интилиб, ул уриниб ётадир,
Тор қафасдан қутқаргали ўзини.
Теваракка аччиғ қарғиш отадир,
Билмадимки, қон босганми кўзини?

Бундан бурун ул кўп оғир тинларни
Чидам билан, тинчлик билан ўткарди.
Қаршисида авраб турган жинларни
Кўра туриб қурамади, кеткарди.

Шунинг учун тубанларнинг тубани,
Ёвуз, бузуқ кишилар ҳам эркинча
Таларлар-да, эмарлар-ди-да уни
Сукарларди орқасидан ҳар кеча.

Ул қандай тор, қандай сиқиқ ерларда
Қандай бузуқ чизиқларда бўлмади?
Ул қандай ҳур, қандай тубан эрларда
Қилини ҳам қимирлатмай турмади?

Энди ул ҳам тор чизиқдан безгандир,
Қайтиб унга киришликни истамас.
У маъносиз «эгалик»лар эзгандир,
Улар билан бир тин бўлсин-туролмас.

Ул эркинлик, ўзбошлилик истайдир,
Кетга қараб — ўлим бўлсин — кетмайдир.

*1922 йил.*

## ҚИЛИЧ ВА ҚОН

*(Қитъа)*

Қилич қинда қолмасин, чиқсин,
Тиғига тилларим томизсин қон.
Амалим қонли тиғини ювсин,
Қолмасин қонни севмаган бир жон.

## МАСТЛИКДА

*(Г. Саъдийга)*

Май бу кун шишадан тошиб чиқмишдир,
Унинг бир томчиси ерга тушмасин.
Уни хаёлимиз амал демишдир,
Амаллар мажлисдан четга кўчмасин.

Майлар шишаларда қўшиқлар айтиб,
Бизнинг ийдимиз*ни қутлаб турадир.
Майнинг кўпиклари минг қатла қайтиб,
Мажлис лаззатини сўзлаб турадир.

Майнинг атрофида эски ўртоқлар
Йиғилиб, ўлтириб суҳбат қилалар.
Мажлис шодлигини кўриб «оппоқлар»,
Ҳурмат юзасидан салом бералар.

Майнинг кўпиклари туткун ўғлини
Қайғи чоқларида юпатиб турсин.
Мастликда ўрганиб ўнг ва сўлини
Ўксик болалари у йўлдан юрсин.

Майнинг кўпиклари кўзнинг қораси,
Мастлар ўлсалар-да, «эслик» қоласи...

## ҚИЗЛАРНИНГ ДАФТАРИГА

Кўнгил, тинмас кўнгил, энди етар, кўз тикма гулларга,

Гўзалдир, ёшдир ул гуллар... фақат алданма унларга,

Ки, қизғонмас, кўнгил қўймас сенингдек оқ
кўнгилларга...

*1922*

## КЎКЛАМ ҚАЙҒИСИ

Эй қоронғи узун қишнинг хаёли,
Кўклам чоғи кўзларимда ўйнама.

Айрилиқнинг чидаб бўлмас малоли,
Кўкат, майса юзларида қайнама.

Бир оз... бир оз кўнгил берай кўкламда:
Шафтолининг гўзал, қизил юзига.
Бир оз... бир оз алданайин кўнглимда
Бош чиқарган йигитликнинг сўзига.

Қаршимдаги кулиб турган юмшоқ қиз
Кўм-кўк майса ўртасида бир гулдир.
Кўп йиғладим... ёшларимни қатор чиз
Ва қаршимда гўзал қизни бир кулдир.

Кўклам чоғи сайроқ булбул сайрамас.
На учунким, танбуримнинг тили йўқ.
Ул гўзал қиз чин қараш-ла қарамас,
На учунким, умидимнинг йўли йўқ.

Тилларимда ҳар кўкламнинг қўшиғи,
Юрагимда ҳар гўзалнинг севгиси.
Кўзларимда ҳар қайғидан бир йиғи,
Юзларимда алданишнинг белгиси.

Ёлғиз менми кўклам чоғи йиғлаган?
Ёлғиз менми ҳар умидда алданган?
Ёлғиз менми кўкрагимни тиғлаган?
Ёлғиз менми севинч билан бўлмаган?

Эй, кўкламнинг кўз тортгувчи келини,
Нима учун йиғлатасан бир мени?

*Қуйлуқ, 1922 йил.*

## БИНАФША

*Ёз қайғиси.*

Бинафша сенмисан, бинафша сенми —
Кўчада ақчага сотилган?
Бинафша менманми, бинафша менми —
Севгингга, қайғингга тутилган?

Бинафша, нимага бир озроқ очилмай,
Бир эркин кулмасдан узилдинг?
Бинафша, нимага ҳидларинг сочилмай,
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?

Бинафша,
Айт менга,
Кимлардир уларким,
Игнани бағрингга санчалар?
Бинафша,
Бир сўйла,
У қандай қўлларким,
Узалар, ҳидлайлар, янчалар?
Бинафша, шунчалар чиройли юзинг бор,
Кўнглимга исрик[1]лик тўкмайсан?
Нимага узоқроқ кулмайсан?
Бинафша, шунчалар тортгувчи тусинг бор,
Бинафша, йиғлама, бинафша, кел бери,
Қайғингни қайғимга қўшгил.
Бинафша, сенинг-чун кўкрагим эрк ери,
Бу ердан кўкларга учгил.

Бинафша, гўзалим, қайғилим, келмайсан,
Қайғинг зўр, қайғимни билмайсан,
Менга бир кулмайсан!

*1922 йил.*

---

[1] **исрик** — кайф.

# СЕВГИ

## ТУН

*Эркин шеър.*

I

Тун ёмон, тун қоронғи,
Тун қўрқинч, тун азоб.
Тунда эски ва янги
Ҳар нарса хаёл ва сароб.
Туннинг узунлиги,
Чуқурлиги кўп ёмон.
Туннинг бузуқлиги,
Ёлғизлиги беомон.
Тунда ҳар нарсанинг товуши
Йироқдан гувиллаб келар.
Тунда кўп чоғлар юзимга
Жинларнинг қўллари урилар.
Оҳ, туннинг қалин пардаси
Қандай гуноҳларни яширмас.
Оҳ, туннинг товушсиз наъраси
Ҳеч жонни қўрқитмай қолмас.
Туннинг яширин қучоқларида
Ўлимлар, қонлар тўлгандир.
Унинг алдамчи боғларида
Қанча ёш гуллар сўлгандир.

II

Тинчланиб ўлтириб юлдуздан
Эртаклар эшитмак бўлсам.
Ё ўзим истаб топган қиздан
Бир қараш, бир кўриш сўрасам.

III

Ҳар ердан қанча товушлар
Девлардек наъра солурлар.

Теграмда найза — қиличлар
Жонимга ҳамла қилурлар.
Салқин сув кони булоқлар
Кундузлар чанқаганимда
Шир-ширлаб кўнглимни йўқлар.
Мен дарров олмаганимда,
Баттарроқ қайнаб оқарди.
Бир ҳўплаб кунда мен ичсам,
Кайфимга қанча ёқарди.
Истардим: қўйнига қочсам!
Оҳ, тунда оғу бўлар ҳар
Манбадан томчи сув ичсам,
Оҳ, тунда нозли булоқлар
Кўнглимга тарқаталар ғам.

Бу тунда севгили ёрим,
Қолдингми мендан узоқда?
Билмайсан, оғриқли бағрим
Қон йиғлар тунда, бу ёқда

Бу тунким, сирли, қоронғи,
Йўлларда шарпа-да йўқдир.
Кўнглимда тўп-тўла қайғи,
Оҳ, йўллар қанча узоқдир.

Кел, энди ташлама, қўйма,
Бу туннинг қўйнида ёлғиз.
Ҳижронни бошима ёйма
Эй тундек сочи қора қиз!..

*1922 йил.*

## НИМАНИНГ ҲИДИ

Билмайман: бу ҳидлар ниманинг ҳиди?
Руҳим ҳидлаш билан англаган эди.
Мавъуд* жаннатларнинг энг гўзалида
Энг гўзал малика атрлар сочди.
Кўкларнинг энг нозли уйноқ париси
Атр қутисининг оғзини очди.

Кўнглимни мулойим қитиқлагувчи,
Узида бир турли сир сақлагувчи,
Бу ҳиддирким, ҳорғин, чарчаган дилга
Янги умид, тоза қувват бергувчи...
Муҳаббат булбули берилди тилга.

Эзилиб-эзилиб йиғлаган кўнгил,
Азалдан юмшоқлик кўрмаган кўнгил,
Гуллик боқчаларда юрмаган кўнгил,
Ўзини гулларга урмаган кўнгил,
Азал малагидан бир ҳид ҳидлади,
Эсирди[1], йиқилди, ўзи билмади,
Ҳидсиз тилакларнинг тотли умиди
Сонсиз ҳавасларни кўнглимга солди
Оппоқ маликанинг тарқатган ҳиди
Танимни, руҳимни, жонимни олди.

Энг гўзал ҳаваслар сунгувчи ҳидни
Руҳим ҳидлаш билан англаган эди.

## ИШҚ ЙЎЛИ

*(Эркин шеър)*

Сабрнинг косаси тўлгандир,
Бу оғир айрилиқ туйдирган.
Оҳ, қанча ғазаблар бўлгандир,
Гўзалим, хабаринг бўлмаган.

Оч, ахир, очгилким кўксингни,
Бир нафас ўзимни унутай.
Унутмоқ бутунлай ўзликни,
Оҳ, шундан нажотни мен топай.

Кечалар, кечалар... оҳ, сенсиз ва ойсиз.
Бир кеча менга худди бир йилдир.
Қайтариб айталар: «Кечалар — руёсиз —
Олдингда...» кўп оғир бир йўлдир.

Эй дарвеш, бу йўлда биргина йўлчи сен,
Кетабер, бир куни сўнггига етарсен.

## КЕТ

Кет, кўзимни алдагувчи хоин нур,
Кет, оловли чизиғимдан нари юр.
Кет, заҳарли қизғалдоқни ирғитма,

[1] Эсирдим — маст бўлдим.

Кўнглимдаги сўнг умидим йўқ этма!
Кет, илоҳий виждонимни булғама,
Бутлар билан тегарамни чулғама.
Кет, эй туққиз пари, гўзал қора қуш,
Йиқин бўлган кукрагимдан, четда уч.
Кет, севгимнинг улуғ ёви, кўринма,
Лаънат сочиб ёнларимда юринма.

Эски дўстлар йўл адашиб ўлдилар,
Янги дўстлар бунинг учун кулдилар.
Янги йўлга оёқ босмай тўхтасам,
Бу йўлларда қутулишлик йўқ десам,
Сен ул чоқда қайси йўлга солардинг,
Фалокатдан қандай тортиб олардинг?
«Ун»инг қўпол... қийнағувчи олардинг?
Кет, мангулик йўққа кўчсин борлиғинг.
Кет, малаклар достонини ўқима,
Кет, аслсиз эртакларни тўқима.
Кет, севгили кўкрагимга тинчлик бер,
Кет, сенинг-чун қучоқ очган қора ер.

Кет, жонимни қийнагувчи жоду — ҳур,
Кет, кўнглимни алдагувчи ёлғон нур.

*1922 йил.*

## АЛДАНИШ

Беш йиллик ёнишим* бир йил учунми?
Эркалаб ўткувчи бир ел учунми?

Кўзимга кўринган саробми эди,
Мен шунга алданиб тоғларми ошдим?
Севгимнинг боқчаси харобми эди,
Шу боқча ичида йўлми адашдим?

Кўзимни ўраган киприкми эди,
Ёки кўк тусида пардами эди?
Кўнгил шу чоққача тирикми эди,
Жоним кўклардами, тандами эди?

Қўлимни тегиздим... Одам эди-ку,
Кўзимда ўйнаган бир нур эди-ку,
Сезгим-да соғ, тетик, бардам эди-ку,
Бўйнимга қўл солган бир ҳур эди-ку.

Нега мен сезмадим? Ўт эмасмиди?
Шул ўт ичида мен эмасмидим?
Қаъбамга осилган бут* эмасмиди?
Бутни тангри деган мен эмасмидим?

Мен уни хаёлий, тотли бир севиш,
Илоҳий бир муҳаббат, ишқ билан севдим.
Беш йил, шунинг учун беш йил англайиш...
Ёниш, куйишларим... оҳ, энди билдим.

Оҳ, энди билдимки, барчаси хаёл,
Барчаси бир тотли роҳат туш экан.
Кет, йўқол кўзимдан, ҳақиқат, йўқол,
Бағримга ботмоқда оғули тикан.

Чиндан-да мен у кун ёлғизми қолдим,
Чиндан-да у ўтли севги битдими?
Чиндан-да турмушдан оғизми олдим?
Чиндан-да умидим буткул кетдими?

Чиндан-да кўнглимда севги ўтлари
Чўғсиз ўчиб қолган шамдек ўчдими?
Чиндан-да каъбамнинг санам, бутлари
Кул-парча бўлдими, буткул кўчдими?

Чиндан-да мен бу кун севмасми бўлдим?
Чиндан-да муҳаббат ўтими сўнди?
Чиндан-да мен бу кун тиканми илдим?
Кўнглим бу алданишга, оҳ, қандай кўнди?

Севгимнинг яшаши бир йилми эди?
«Ғув» этиб ўтгувчи бир елми эди?

*1922 йил.*

## ИШҚ

*Усмонлича*

Илк — аввал кўзимни ишқ ила очдим,
Ишқинг майдонина қоними сочдим,
Ишқсиз ўлкалардан у онда қочдим,
На замон боғладим зуннор ишқи.

Ишқ дея айрилдим диндан, имондан,
Англамам ҳеч бир шай инсоф, виждондан.

Ишқа сажда этдим, бўлдим у ондан
На замон қатл этдим куффор ишқи.

Жаннат баним учун қуру саҳродир,
Ишқинг саҳросиким, банга маъводир.
Аксим сан банга на қадар қондир,
Қонмам, чунки билдим гулзор ишқи.

Ишқинг майдонинда бир жаҳлу оним,
Бир маҳшар қўпарур ҳар дам-да қоним,
На буюк баним, боқ, ишқа имоним,
Ера диз чўкдирдим жаббор ишқи.

Бан ишқинг мулкина ягона ҳоқон,
Бангга бўйин эгар болжумла султон,
Инанур ўрдума шуйла бир боққан
Кўр инжа соф биста ашжор ишқи.

Сўйларкан дилларим на ёмон сўзлар,
Ёзаркан қаламим на ҳазин оғлар,
Соддадил бунлардан на маъни онглар,
Билмаз-ку ўлдуғин изҳор ишқи.

## БИТДИ

Бер қўлингни, шу титраган қўлим билан сўнг дафъа
Бир қисайин, сўнгра ортиқ у қўлларга тегмак йўқ.
Кўзларингни сўнгги марта тушир хира кўзимга,
Кўкрагимга киприкларинг сўнг мартаба отсин ўқ.

Кўкимизда ҳануз учмай қараб турган юлдузнинг
Кўр юзини, айриликнинг кузи билан сарғайган.
Сен кетасан, юлдуз учар, ёлғизликда ташланган
Ўксигингга хаёт бермас ёғдулари кундузнинг.

Бер қўлингни сўнг мартаба ёлғиз қолган ўксикка,
От ўқингни сўнг мартаба алам кутган кўксимга.

*1922 йил.*

## ҚОРА ЙЎЛЛАР

### МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ХОТИРАСИ

Белгисиз қабрингни қора тунларда
Амалимнинг шамин ёқиб изладим.
Қизил ва пок қонинг исларин сочгач,
Кучсиз куйи юришимни тезладим.

Амалимнинг юлдузиким, кўз тикди
Қора, жирканч ўлим кони ерларга.
Савол бердим: «Йўқотганим қайда?» деб,
Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган эрларга.

Қўлимдаги тутам-тутам гулларим
Қабринг топиб, сочмоқ учун теринди.
Гул ўрнига заҳар тилар муҳитда
Унинг қилган бу ишлари бўш энди.

Мен-да ожиз у муҳитнинг олдида,
Қабринг топиб кўз ёшимни тўкмакка.
Ҳамда аччиқ ҳиддатим-ла ул ерда,
Оқ каллалик қора девни* сўкмакка.

Шунинг учун юлдуз каби ярқираб,
Элда қолган исминг билан тураман.
Шул исмни эслаб, чизган йўлингдан
Йироқ кетмай, қимирламай юраман.

Азиз отам, қўлимдаги гулларнинг
Мотам гули эканлигин билмайсан.
Шодлик гули кўпдан бери сўлганин,
Ер остида пок руҳинг-ла сезмайсан.

Ана сочдим қалбимдаги гулларни,
Термак учун чақираман қулларни.

*1920 йил.*

## КЕТДИНГ

*Марҳум Раҳматулло Султоновга*

Йўлдошим, замзама бўлдинг-да, кетдинг.
Бор эдинг, йўқолдинг, ўлдинг-да кетдинг.
Гул эдинг, очилмай сўлдинг-да, кетдинг,
Йўқлик денгизига тўлдинг-да, кетдинг.

Қичқириб орқангдан югурдим, чопдим,
Ғариблар мозорин истадим, топдим.
Кўрай деб сўнг чоғда телмуриб боқдим,
Сен эсанг юзингни бурдинг-да, кетдинг.

Элингнинг тилаги етимми қолди?
Бошига қайғини ўлимми солди?
Жонингни тангриси севибми олди?
Айтмадинг, оғзингни юмдинг-да, кетдинг.

Боқчангга ёш қуллар экалар гуллар,
Очилмоқ истайлар лола, сунбуллар,
Фироқ куйларини куйлар булбуллар,
Сен бўлсанг йўқликка урдинг-да кетдинг,
Кўкармай, яшармай, қурдинғ-да кетдинг.

## ҚИТЪА

*Ўлимдан кучли*

— Ўлим, сендан кучли бошқа куч борми?
Тарафингдан бир марҳамат бўлганми?
— Мендан кучли, мендан қувватлилар бор:
Мана, мендан ҳеч қўрқмайлар одамлар.

## УЛУҒ ЙЎЛОВЧИГА

*А. М.* руҳига*
«Дунёга ишлар учунгина келганман.»

*(Ўз сўзи)*

Боқчаларда гуллар сўлди, сезмадим,
Ўстирганлар етим бўлди, сезмадим,

Кўнгилларга қора тўлди, сезмадим,
Сездим сенинг кетганингни кўнгилдан.

Кетган йўлинг йироқ йўлдир, кети йўқ,
Бошланиши: қуруқ ва кенг бир бўшлиқ,
Тугалиши: яна чексиз бир йўқлиқ,
Бироқ қайтмоқ йўқдир тушган йўлингдан.

Кетдинг, бироқ изларингда кўз қолди,
Тилларингда айтилмаган сўз қолди,
Ўксиз бўлиб ётлар эмас, «ўз» қолди,
Чуқур маъно истаб эски сўзингдан.

*1921 йил.*

# ҚОР ҚЎЙНИДА

## ЯНА ҚОР

Яна қор! Оқ кафан ўралди яна,
Яна кўк қуйди ерга парларини.
Қарғанинг тиллари бурилди яна,
Яна қиш чорлади навкарларини.

Қоп-қора дев каби булут йиғини
Қоплаб олди яна қуёш юзини.
Ётқизиб ёз ботир енгиш туғини
Уйқудан очмади сира кўзини.

Кутдилар ёз қизи — баҳор ойининг
Янги кунда ясалгувси тўйини.
Ёз каби турли гулга бойнинг
Дедилар: булғувси чечак уйини.

Қариган қиш бобой чидолмасдан,
Тўй кутилганда қилди бир босқин.
Нега эргашди унга қорли бўрон,
Кўп кўпол эди асти ул-озғин.

Бир фақат қарғалар қор устида
Қаглашиб қиш бобойни олқайлар.
Тунгдирувчи заҳар совуқ тунда
Бева-бечоралар ёмонлайлар.

Ҳар етим кўзда томчи-томчи заҳар,
Ҳар фақир уйида инглайиш ва йиғи.
Ҳар сариғ юзида сўнгги шуъла сўнар,
Ҳар томон, ҳар тарафда бир қайғи.

Яна қиш... Қор — кафан ёпилди яна,
Қарғага тўй... уйин топилди яна.

# ОППОҚ ОЙ

Қучоғингда қалтирайман, титрайман,
Ортиқ сендан безди кўнглим, оппоқ ой.
Йўлни очсанг, энди бундан кетаман,
Кўклам яқин келган дейлар, бир қарай.

Кўкдан тушган енгил оппоқ парлардан,
Қудрат қўли сенга кўйлак тўқийди.
Учиб келиб узоқ-яқин ерлардан
Бир тўп қарға мадҳиянгни ўқийди,

Кўклам яқин, деган сўзни эшитиб,
Кўзларингга замҳарирдек* ёш келди.
У ёшларинг хирмон бўлиб, уйишиб,
Осилдилар... буйнинг ерга эгилди.

Ҳовуз юзи икки қарич муз бўлган,
Ёш болалар тийғанишиб ўйнайлар.
Учиб, тунғиб масжиддаги чол ўлган,
Етим қолган болалари йиғлайлар.

Жарқишлоқнинг йўлида ҳам шаҳарга
Қаймоқ ва сут келтиргувчи бир бола
Тўнғиб ўлган, ҳар кун эрта саҳарда
Шундай қилиб бир неча жон йўқола.

Қучоғинг-да жуда совуқ, оппоқ ой,
Кўклам келсин, бир севинай, бир ўйнай.

*1922 йил*